O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 9 февраль, № 28 (3826) Пайшанба

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-биригизгаким, эрур ёрлиғ иш

Бугун юртимизда катта шодиёна — Алишер Навоий таваллуд топган кун.



Олимлар, шоирлар, ижодкорлар, талабалар, борингки, бобомизнинг бори мухлислари эрта тонгданоқ пойтахтимиздаги шоир номи билан аталувчи Миллий боғ томон ошиқадилар. Улар шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, зиёрат қиладилар. Ҳазратга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром жўшқин мушоирага айланиб кетади. Инсон қалбига эзгу туйғулар ато этувчи шеъриятнинг турфа оҳанглари еру кўкни тўлдиради, аллалагандай бўлади.

Сўнгра тантана ва мушоира Навоий кўчасида жойлашган Шоирлар хиёбонига кўчади. Бу ерда ҳам шеърият султони ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, хотираси эъзозланади. Ғазалларидан намуналар ўқилади. Зеро, бундай байрамлар тинч ва осойишта юртимизга, осуда ва фаровон замонларга, шукуҳли кунларга жуда-жуда ярашади.

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар қўмитаси раиси Лийса Яконсаари хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова билан учрашди.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Жамият сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини ва мавқеини янада ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Буни оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Финляндия ўртасида мазкур соҳаларда, жумладан, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Биз Ўзбекистонга ташрифимиз асносида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида бўлиб, ғоят самарали музокаралар ўтказдик, — деди Финляндия Парламенти делегацияси раҳбари Л.Яконсаари. — У ерда қўмиталар ва фракциялар раҳбарлари билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида қонунчилик борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинганини алоҳида қайд этгим келади.

(ЎзА).

Тошкентда "Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум"га қўшилган давлатларнинг Еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу ҳужжатга қўшилган давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбойжон, Россия, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасидан вакиллар, қатор хорижий мамлакатлардан кузатувчилар, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, республикамизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев бошқарди.

Бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси халқаро хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётган трансмиллий хавфга айланган. Бу муаммога қарши фақат изчил ҳамкорликда курашилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин. Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни давр тақозо этаётир.

"Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум" 1996 йил май ойида Тошкентда Марказий Осиёнинг беш давлати (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон) ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси томонидан имзоланган эди. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбойжон қўшилди. Бу билан гиёҳванд моддаларни назорат қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имконият яратилди.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳақида гап кетганида, аввало, Афғонистон тилга олинади.

— Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги ғайриқонуний наркобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаётир, — деди БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Сумру Ноян хоним. — 2005 йилда бу мамлакатдан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган. Шунинг 100 тоннадан ортиғи Марказий Осиё, яна шунчаси Покистон, 200 тоннадан кўпроғи эса Эрон ҳудуди орқали ўтган.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшиннинг таъкидлашича, дунёда етиштирилаётган "қора дори"нинг қарийб 87 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. БМТнинг расмий маълумотларига кўра, 2005 йилда бу мамлакатда 4100 тонна кўкнори етиштирилган. Бундай гиёҳванд моддаларнинг муайян қисми "шимолий йўналиш" бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европага чиқмоқда. Афғонистон ҳукумати ва бу мамлакатдаги хорижий контингент томонидан қилинаётган ишлар эса оғуфурушликка қарши курашда кескин бурилиш ясай олмаётир.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда турли халқаро ташкилотлар, хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Жумладан, 2004 йилда ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган.

Аммо, наркобизнес ҳамон халқаро террорчиликнинг молиявий таянчига айланиб бормоқда. Марказий Осиё давлатлари халқаро террорчилар томонидан қўллаб-қувватланадиган наркомафиянинг нишонларидан биридир. Масаланинг муҳим томони шундаки, наркотик моддаларни Ғарб давлатларига етказиш йўллари айнан шу минтақа орқали ўтмоқда.

Халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатлари Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар миқдори ортиб бораётгани туфайли қийин вазиятга дуч келаётир. Ўзбекистон раҳбарияти наркотрафикнинг олдини олишда муайян ҳудудлар бўйлаб "хавфсизлик камари" барпо этишнинг ўзи кифоя қилмаслигини кўп таъкидлаган. Муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини тубдан янгилаш ва ривожлантириш, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ечиш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Бугунги воқелик мазкур ташаббуснинг нечоғли муҳим ва долзарб эканини кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, 2005 йили БМТ томонидан ушбу марказни тузиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Анжуманда ахборот-мувофиқлаштириш марказининг тузилиши билан боғлиқ ҳужжатлар кўриб чиқилди. Марказ тузилиши гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг зарур чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу борадаги ҳамкорликни фаоллаштириш борасида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Учрашув якунида Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

ХАМАСнинг таклифи

ХАМАС етакчиларидан бири Холид Мешаал мабодо Исроил 1967 йилги чегарасига қайтса ташкилот расмий Тель-Авив билан музокараларни бошлашга рози эканлиги ва узоқ муддатли тинчлик битими имзолаши мумкинлигини билдирди. Мешаал «Би-Би-Си» мухбирига берган интервьюсида шу ҳақда баёнот берди.

Исроил тарафи мазкур ташаббусга ишонмаслигини ва ХАМАС бу чиқиши билан мухториятда ўз позициясини мустаҳкамлаб олишга интилаётганини билдирди.

Дивиденд ва маош қисқартирилади

Associated Press ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, General Motors юзага келган молиявий инқироздан чиқиб кетиш мақсадида акциялар учун бериладиган дивиденд ва компания раҳбариятида ишловчи ходимларнинг ойлигини икки баробарга қисқартиришни режалаштираяпти. Агар мазкур режа амалга ошадиган бўлса, компания йилига 565 миллиард доллар тежайди.

General Motors дунёда энг катта автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири ҳисобланади. Унда ҳозирда жами 300 минг нафар ишчи хизмат қилади. Ўтган йилда компания 9 миллионта автомобиль сотди.

Ҳарбий қисмда портлаш

Чеченистонда жойлашган «Восток» ҳарбий батальонида портлаш рўй берди. Шундан кейин ҳарбий қисмда кучли ёнғин бошланган. Сўнгги маълумотларда айтилишича, қурбонлар сони 13 нафарни ташкил этади. 20 нафардан ортиқ ҳарбий турли даражада жароҳатланган.

Прокуратура портлаш бўйича икки тахминни илгари сураяпти: казармада газдан нотўғри фойдаланиш орқали фожиа юз берган ёки террорчилик уюштирилган бўлиши мумкин. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

Яна парранда гриппи топилди

Хитойнинг жануби-шарқий ҳудудида парранда гриппи мавжудлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, вирус хонаки паррандалардан тарқалган. Бундан ташқари, қушлар бу вирусни Хитойдан Туркияга олиб борган. Шаньтао университети олимларининг фикрича, вирусниг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш учун вазиятни назорат остига олиш лозим.

Расмий Пекин эса Хитой мазкур касаллик тарқалиш ўчоғи эмаслигини, мустақил ўтказилган тадқиқотлар натижаларини тан олмаслигини билдирди.

Маърифат соати

Одамзот ўзини ўраб турган атроф-муҳитнинг фарзанди. У мудом учта илинжга суяниб яшайди. Булар кечаги кундан сабоқ. Бугунга шукроналик, эртанги кундан умид. Бу илинжларнинг пойдевори ҳам, қўрғони ҳам маънавиятдир.

МАЪНАВИЯТ — ЗИЛОЛ ЧАШМА

Жоҳилликни инкор этадиган ҳар бир калом, ҳар бир қадам, ҳар бир юмуш маънавият демакдир. Маънавият мавҳум нарса, самовий унсур, кўзга кўринмас шарпа эмас. Маънавият бу одамнинг бутун борлиғи. Янаям соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, маънавият — бу одамнинг ўзини ва бошқаларни тушуниш тарзи. Тушунган одам ҳис этади, кўради, кузатади.

Худди шу — ўзаро тушуниш чорраҳасида маънавият гулшани куртак ёза бошлайди.

Мен ўқитувчиман. Биламанки, Алишер Навоийни яхши кўрмоқ, бизнинг бобомиз деб улуғламоқ учун аввало уни тушунмоқ керак. Тушунмоқ учун эса унинг «Одамий эрсанг демагин одами...» сингари мисраларини ёдлаб олиш камлик қилади. Ёки бўлмаса номи ёзилган тўртта шоирнинг ичидан «Кеча ва кундуз»нинг муаллифларини кўрсатганига қараб ўқувчига баҳо бериш менимча, жўн усул. Ўқувчига биз ўргатмоқчи бўламиз. Фалон мавзуни сен ўқи. Ўрган. Ана шунда сен яхши одам бўла оласан деб унга уқтирмоқчи бўламиз. Йўқ. Аввало, у ўқитувчисини, ота-онасини, атрофдагиларни тушуна билмоғи керак. Биз катталар унинг тушуниш қобилиятини тарбияламоғимиз керак. Биз катталар болаларнинг бизга меҳр қўймоғига муносиб одамлар бўлмоғимиз керак. Болани қистову насиҳату қуруқ даъват билан эргаштириб бўлмас. Бола эшитганлари бўйича эмас, кўрган-кечирганлари бўйича ўзига андоза танлайди. Қадамини ростлайди. Шу жиҳатдан олганда маънавият нафақат мактаб ё коллеж ёшида, балки боланинг бешик ёшидан шаклланиб боради.

Мулоҳазаларимни боланинг — мактаб ўқувчисининг маънавиятига бурганимнинг боиси бор. Бизнинг вилоятимиз аҳолисининг учдан бир қисми — ўқувчилар. Тикилиброқ қарасангиз ҳар бир ўқувчининг кўзидан унинг эртанги куни кўриниб тургандай бўлади. Лекин бу фақат унинг эртанги куни эмас. Бу бизнинг, бутун жамиятнинг эртанги куни. Ўқитувчи худди шу эртанги кун деган жабҳанинг посбони, боғбони бўлиб сезмоғи лозим ўзини.

Мен қарийб ярим асрлик фаолиятим давомида ана шу ўлчамларга риоя этиб ишлаш ҳаракатида бўлдим. Бошланғич синфга дарс бераман. Синфим — ўзимнинг оилам. Ўқувчиларим — фарзандларим. Ўқувчилардан кимнинг тоби йўқ. Қайсининг қорни оч, биров уни хафа қилиб қўймаяптими? Ўқитувчи, аввало, ана шундай ҳолатларни фаҳмламоғи керак. Муаллим ўқувчининг қалбини заррабинга қўйиб унга боқмоғи керак. Ўқувчиларимга мен дарс орасида иссиқ чой беришни, нонушта қилиб олишни жорий этганман. Демак, улар дарсдан сўнг уйга шошилмайдилар. Улар билан биз ўйинлар уюштирамиз. Қўшимча сабоқлар ташкил этамиз. Ҳаммамиз жам бўлиб тўшакда михланиб ётган беморни бориб кўрамиз. Кўчада қаровсиз қолган дарахтнинг тагини ағдариб, суғорамиз. Қушларга дон сочамиз. Бориб, ногиронларнингми, кексаларнингми, ҳовли-жойини супириб-сидирамиз. Жам бўлиб газета ўқиймиз. Китобхонлик қиламиз. Ҳунарманд болаларнинг ва чевар қизларнинг маҳорат кўрикларини ҳафта сайин ўтказиб борамиз.

Бирмунча вақт муқаддам нафақага чиқувдим. Уйимга ота-оналар келишди. Ҳатто, ўқувчиларим келишди. Бир ўқувчим, агар сиз мактабга қайтмасангиз, мен ҳам ўқимайман, деди. Кўзларимдан ўшанда қувонч ёшлари қуйилди. Ишларим, ҳаётим беҳуда кетмаганини англадим.

Шундай инсон юз йил, балки ундан ҳам кўпроқ яшар. Лекин унинг эл-юрт, одамларга қилган яхшиликлари, уларга бағишлаган яхши кунлари хотирада қолар экан. Асли бу дунё яхшиликлар билан қайюм. Маънавият билан қайюм. Одамларнинг бир-бирларини яхши, тўғри, самимий тушунишлари билан хотиржам.

Фарзандларимизга — авлодингизга боқинг. Уларнинг гуллаб-яшнамоғи учун фақат битта манба бор. Бу — маънавият чашмалари. бу чашмаларни лойқалатиб қўймаслик бугунги бош вазифамиздир.

Карима АРАБОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси,
Қизириқ тумани,
32-мактаб.

«Халқ сўзи» назоратида

Зовурлар тозаланди

Газетамизнинг 2005 йил 28 октябрь сонида «Лойқа босган ариқлар» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда Паркент туманидаги «Чотқол» хўжалигининг ғалла экиб келинган майдонлари юза қисми баҳор ва кузда ёққан кучли ёмғир оқибатида ювилиб кетаётгани, натижада Абай номли ширкат хўжалигидан оқиб ўтувчи Янги каналнинг сув ўтказиш қобилияти ёмонлашиб, хўжаликдаги ички зовур тармоқлари лойқага тўлаётгани баён этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги «Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Р.НИЁЗМЕТОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича, мақола бир гуруҳ мутахассислар билан жойида

ўрганилган. Бугунги кунда хўжаликлар ва аҳолининг сувга бўлган талабини қондириш мақсадида «Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармасининг Янги каналида экскаватор ишламоқда. Шу кунгача 1.8 км. узунликдаги канал тозаланган. Зах сувларини қочириш мақсадида Абай номли ширкат хўжалиги ички зовурида ҳам экскаватор ишламоқда. Мақолага жавобан Паркент каналининг сув тақсимлаш иншоотларидан сув бериш тўхтатилган.

ПУЛДА ЎЛЧАНМАС САВОБ

Якун

Халқимиз меҳр-оқибатни, савоб ишлар қилишни яхши кўради. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Айниқса, ўтган йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимизда меҳр-мурувватга муҳтож оилалар, эҳтиёжманд қариялар, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Юртимизда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди ҳам бундай савобли ишлардан четда тургани йўқ. Фонд раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шабот ХЎЖАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Фондимизнинг асосий мақсади — одамларга меҳр улашиш, уларнинг корига яраштир, — дея гап бошлади Шабот Хўжаевич. — Буюк француз ёзувчиси Ромен Роллан "Одамларга нур улашиш учун қалбингда қуёшинг бўлсин", деган экан. Яратганга шукрки, қалби тоза, танти халқимиз ва унинг келажаги ҳақида қайғурадиган йўлбошчиси бор. Юртбошимиз ҳар бир йилнинг устувор вазифасидан келиб чиқиб ном берадилар. Мисол учун ўтган йилни олиб қарайлик. 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб аталиши фуқаролар соғлиғи фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки бошқа тиббиёт муассасаларининггина эмас, ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга умуммиллий вазифа эканини кўрсатди. Бу йилга бағишлаб махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан тортиб, тоза ичимлик суви таъминоти, турли касалликларга қарши курашишдек миқёсли масалалар тилга олинди. Уларни амалга оширишга давлат органлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам кенг жалб қилинди. Айтмоқчиманки, ўтган йил шифокорлар ва беморларнинггина эмас, бутун жамият ҳаётида муҳим даврга айланди.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юзлаб ҚВПлар, амбулаториялар, шифохоналар қад ростлади. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг саломатлигига эътибор янада ўсгани кишини қувонтиради. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спорт мажмуалари барпо қилиш масалаларига биринчи даражали эътибор берилди. Шундай пайтда, албатта, Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди қўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

Сиҳат-саломатлик йили учун алоҳида режа ишлаб чиқдик. Шу режа асосида ўтган йил давомида пойтахтимизда кам таъминланган оилаларни озиқ-овқат, кийим-кечак, қандли диабет билан касалланган болаларни махсус тиббий воситалар ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш, ногиронларга протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация учун зарур техник асбоб-ускуналар етказиш ва бошқа хайрия тадбирлари ўтказилди. Ана шу ишлар учун жами 130 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Бу тадбирларга саховатпеша инсонлар ва хайрия ташкилотларнинг бош қўшганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дея гапида давом этди Шабот ака. — Фонднинг вилоятлар ҳамда туманлардаги бўлимлари ҳам ўтган йили фаоллар қаторида бўлишди. Масалан, Бухоро вилояти бўлими 2005 йил давомида Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва серфарзанд оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб хайрия ишларини олиб борди. Қашқадарё вилоятидаги бўлимимиз эса аҳолига тиббий, ижтимоий кўмаклашишда кенг жамоатчиликни жалб қилиб, меҳнат жамоалари, давлат ташкилотлари, турли муассасалар ҳомийлигида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда етим болаларга амалий ёрдам кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратди.

Фонднинг Жиззах вилояти бўлимида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ деб ўйлайман. Шахсан вилоят ҳокими ва туманлар раҳбарларининг бизни фаол қўллаб-қувватлашлари натижасида фондимизга ер майдонлари ажратилди. Шу ерлардан унумли фойдаландик ва олинган қўшимча даромад ҳам вилоятдаги муҳтожларга янада кўпроқ ёрдам бериш имконини яратди. Бундан ташқари, ҳокимлик Жиззах шаҳрининг марказида қурилган Меҳр-мурувват шаҳарчасидан хоналар ажратиб, жиҳозлаб берди. Вилоятдаги кейинги ишларимиз самарали бўлишига бу катта кўмак бўлди. Андижон вилояти ҳокимлигининг ёрдами туфайли бу ердаги ишларимиз ҳам жонланди. Йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм, Самарқанд вилояти бўлимлари ҳам эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшди.

Фонднинг хорижий хайрия ташкилотлари билан алоқалар ўрнатгани ҳақида эшитганмиз. Шабот Хўжаевдан ана шу алоқалар тўғрисида сўрадик.

— Ҳақиқатан ҳам фондимиз хорижий хайрия ташкилотлари билан изчил алоқаларни йўлга қўйган, — дейди у. — Масалан, ўтган йили Жанубий Кореянинг "Onnuri Welfare Association" нодавлат хайрия жамғармаси билан анча савоб ишлар қилдик. Унинг ҳомийлигида муҳтож оилалардан оғир юрак касталигига чалинган уч нафар бола ушбу мамлакат кардиология марказида жарроҳлик йўли билан даволанишди. Андижонлик Муқаддас Иномова, Тошкент вилоятидан Сергей Ким, пойтахтлик Азизбек Абдуваҳобовларнинг Кореяга бориб келиши, яшаши, озиқ-овқат ва даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни жамғарма ўз зиммасига олди. Улар, ҳатто, беморларни кузатиб борганларга ҳам барча шарт-шароитлар яратиб беришди (бу ишларга жамғарма жами 90 минг доллар сарфлабди). Ўша марказдаги шифокорларнинг беморларга бўлган муносабатини кўриб, ўзим ҳам лол қолдим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчиси Пак жанобларига чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман. Унинг олижаноблиги, жонкуярлиги, инсонпарварлиги мурғак фарзандларимизнинг ҳаётини сақлаб қолишда катта кўмак бўлди. Яратганга минг қатла шукр, ўшанда ўн қадам юргач ҳолдан тоядиган болажонлар бугун чопқиллаб юришибди.

Насиб этса, бу йил ҳам ушбу жамғарма билан ҳамкорлигимиз давом этади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида беморларни Жанубий Кореяда эмас, балки ўзимизда даволашни йўлга қўймоқчимиз. Шу бўйича жамғарма билан шартнома туздик. Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институтидаги юрак хасталиги билан шуғулланадиган Болалар марказига кореялик мутахассисларни чақириб, махсус асбоб-ускуналар, сунъий юрак клапанлари ва зарур дори-дармонлар олиб келамиз. Демак, ўзимизда ҳам ўнлаб оғир юрак касаллигига чалинган болаларни даволаш имкони туғилади. Бугина эмас, 2006 йилда яна кўп савоб ишлар қилишни кўнглимизга тугиб қўйганмиз...

* * *

Телефон қўнғироғи суҳбатимизни бўлди. Билсак, Жанубий Кореяда даволаниб қайтган тошкентлик Азизбек экан. "Янги шеърини айтиш учун қўнғироқ қилаяпти" деди Шабот ака мамнуният ила. Биз ҳам Азизбек билан гаплашдик.

— Бугун лицейимизда бадиий кеча бўлди, мен янги шеър ўқидим, — деди у ғурур билан.

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Шифокор бўламан. Мен ҳам бошқаларга ёрдам бераман, — дейди Азизбек қатъий оҳангда.

— Очиғи, бундай пайтда нима дейишни ҳам билмай қоласан киши, — дея суҳбатга қўшилди унинг дадаси Абдуҳамид ака ҳаяжонланиб. — Фарзандимизнинг соғайиб кетишига деярли умид йўқ эди. Яхши инсонлар борлиги туфайли Азизбек бағримизга қайтди...

Умидсизликка тушган ота-оналарнинг қувончли лаҳзаларига шерик бўлиш, ҳаётга қайтган болажонларнинг келажак сари интилишини кўриш, қандайдир бахтсиз воқеа туфайли бир умр ногиронлик аравасига ўтирган инсонларнинг кўнглини бутун қилишдек эзгу ишлар қилаётган ушбу фонд жонкуярларига куч-ғайрат ва муваффақият тилаймиз.

Салим ДОНИЁРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МАДАНИЯТ
янгиликлари

Байналмилал кеча

Қорақалпоғистон Республикаси корейс миллий маданияти марказида "Ўзбекистон – Ватаним маним" мавзуида байналмилал кеча бўлиб ўтди.

Унда Оролбўйида яшаб, шу замин равнақига ҳисса қўшган ва қўшаётган ишлаб чиқариш илғорлари, зиёлилар, санъаткорлар иштирок этишди.

Маълумки, Қуйи Амударё воҳасида корейс милларига мансуб аҳоли кўпчиликни ташкил этади.

— Бу ердаги турли миллат вакиллари жуда иноқ яшашади, — дейди миллий маданият маркази раҳбари Николай Пак. — Ўзбекистон шу ерда туғилган, киндик қони тўкилган ҳар бир инсоннинг муқаддас Ватани. Ана шу Ватан равнақига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Кеча давомида Марина Когай раҳбарлигидаги болалар фольклор дастаси ва бошқа жамоалар ижросида ўзбек, корейс, қорақалпоқ, қозоқ ва рус тилларидаги қўшиқлар янгради.

«Келажак юлдузлари»

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида "Келажак юлдузлари" деб номланган расмлар кўргазмаси очилди.

Қадимий меросимиз ва анъаналаримизни изчил давом эттираётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир Халқаро маданият карвонсаройи ва "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди. Ундан Фурқат Мансуров, Надежда Филимонова сингари ёш мусаввирларнинг юртимиз табиати, қадимий тарихимиз, анъаналаримизни тараннум этувчи "Самарқанд дарвоза", "Улоқ", "Ўратепа маҳалласи", "Дала гуллари", "Кунгабоқар" деб номланган қатор сара асарлари ўрин олган.

Кўргазма очилишида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими тасарруфидаги "Гавҳар" фольклор-этнографик дастаси томонидан катта концерт намойиш этилди.

Китоблар кўргазмаси

Ғафур Ғулом номидаги Сурхондарё вилояти болалар кутубхонасида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб "Ҳомийлар ва шифокорлар эл ардоғида" деб номланувчи китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирга вилоят марказида жойлашган олий ўқув юртлари талабалари, энг фаол китобхонлар таклиф этилдилар. Кўргазмадан мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган ўзбек ва қардош халқлар ёзувчи ва шоирларининг асарлари ўрин олган.

«Қўшиғимдасан, она Ўзбекистон»

Фарғона водийсининг сўлим гўшаларидан ҳисобланган Хўқанди Латифда йил бўйи маданий тадбирлар ўтказиш анъана тусини олган.

Куни кеча бўлиб ўтган тадбир "Қўшиғимдасан, она Ўзбекистон" деб номланди. Она юрт, мустақил Ватан, унинг заҳматкаш инсонларини тараннум этувчи ушбу қўшиқ байрамида ўндан зиёд бадиий жамоа иштирок этди.

Кеча сўнгида ғолиблар аниқланди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, педагогика коллежининг "Ниҳол" жамоаси "Қўқоннинг санъат фидойилари" совринига сазовор бўлишди. "Санъаткор" ва "Қалдирғоч" гуруҳларининг чиқишлари ҳам муносиб баҳоланди.

Чинақам халқ сайлига айланиб кетган тадбирда "Мафтункор овоз соҳиби", "Энг жозибали рақс", "Истиқлол куйчиси" йўналишларида ҳам ғолиблар аниқланиб, тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

«Ширин»нинг ўз қўғирчоқ театри бор

"Ширин" махсус соғломлаштириш мактабгача тарбия муассасаси Жиззах шаҳридаги энг намунали тарбия ўчоқларидан ҳисобланади.

Ғарчанд бу ердаги болалар бошқа тенгқурларидан бироз фарқ қилса-да, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ақлий қобилиятларини ошириш борасида қилинаётган сайъ-ҳаракатлар таҳсинга сазовор. "Фидокорона хизматлари учун" ордени нишондори, олий тоифали тарбиячи Мамлакат Эрматова, қарийб ўн тўрт йилдирки, ушбу даргоҳда меҳнат қилиб келади. У болажонларнинг жисмоний жиҳатдан шаклланиши, ақлий, руҳий ва маънавий фаолиятларини ошириш борасида доимий изланишда. Мамлакат ясаган ўйинчоқлар болаларнинг жону дили. Боғчада қўғирчоқ театри ташкил этилган бўлиб, унда асосан Мамлакат Эрматова ясаган қўғирчоқлар "рол"га киради. Айни пайтда театр репертуари "Қурбақа қиз", "Хуршида бону", "Хасис бой", "Она, бола ва бешикча" сингари асарлар билан бойиб бормоқда.

СУРАТДА: ижодкор тарбиячи Мамлакат Эрматова.

Хабарлар Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Қўшхабар

"Mobitus-group" қўшма корхонаси бош муҳандиси Виктор Борисович Деевнинг айтишича, бир йилдирки, россиялик ишбилармонлар Андижонда фаолият кўрсатиб, ички ва ташқи бозорга арзон ҳамда сифатли мебель маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Изланишлар самара бермоқда

Шу билан бирга, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан ҳам шуғулланмоқдалар. Ўтган йили эса бу корхона жамоаси Фарғона водийси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари хўжаликларига шартнома асосида экинлар зараркунандаларига қарши замонавий кураш воситаси — ферамон тутқичларни ҳам етказиб бердилар.

Жорий йилда ўзаро ҳамкорлик асосида Андижон шаҳрида яна бир янги корхонани барпо этиш, республикамизнинг бир қатор вилоятларида қўшма корхонанинг шохобчаларини очиш мўлжалланмоқда.

Ижобий силжиш

Андижон вилоятида кейинги йилларда бир қатор саноат корхоналари турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, айримлари эса инқирозга юз тутганди.

Вилоят ҳокимлиги ана шундай корхоналарни қайтадан оёққа турғизиш, ишчиларни яна аввалги жойига қайтариш мақсадида муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Қорасув шаҳрининг ўзида, масалан, ўтган йили 836 та янги иш ўрни яратилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мижозлар сафи кенгаймоқда

Тўрақўрғон трактор таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда вилоятнинг кўплаб туманларига хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникаларини созлаш ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлаб бериш намунали йўлга қўйилган. Бажарилган иш сифатига эса кафолат ҳам берилади. Шу боис жамиятга бирор юмуш билан мурожаат этувчилар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Эришилаётган муваффақиятларда, шубҳасиз, уста токарь Сойибулло Абдуллаев(суратда) сингари фидойи инсонларнинг ҳиссаси катта. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли корхона бугун ўз мижозлари олдида ҳозиргидек обрў-эътиборга эга.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Иқтидорлилар сараланди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетида «Япон тили нотиқлик санъати» мавзуида танлов ўтказилди. «Бенронтамкам» деб номланган мазкур танловда университетнинг япон тили гуруҳларида таълим олаётган 15 нафар талаба ўзларини қизиқтирган мавзуларда маърузалар қилишди. Уларнинг чиқишларини японияслик мутахассислар баҳоладилар. Ғолиб деб топилган икки нафар иқтидорли талаба республика босқичига йўлланма олди.

Нодира ОРИФХЎЖАЕВА.

«Набоҳат» ичимликлари

Қувасойликлар «Набоҳат» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланаётган турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларини суйиб харид қилишади. Яқинда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қаторига «Набоҳат» тамғаси туширилган салқин ичимликлар ҳам қўшилди.

«Пахтабанк»нинг Қувасой бўлими томонидан ажратилган 150 миллион сўм маблағ ҳисобига замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Энг муҳими, 30 нафар ёшлар муқим иш жойига эга бўлишди. Уларнинг ғайрати билан кунига 1000 литр атрофида ичимлик тайёрланаяпти.

Ўз мухбиримиз.

Фармон ва ижро

— Одатда, тадбиркорлару ишбилармонлар турли мажлису анжуманларни унчалик хуш кўрмайдилар, — дея ҳикоя қилади Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Толибжон Луқмонов. — Бир куни Фарғона шаҳрида республика Давлат солиқ қўмитаси раиси иштирокида семинар ўтказилиши ҳақида хабарнома олдим. Аввалига қатнашиш ниятим йўқ эди, кейин «Ҳарқалай, Давлат солиқ қўмитаси раиси билан доимо учрашиш имконияти бўлавермайди», деган ўйда ўша анжуманга бордим.

СОЛИҚЧИЛАР ҲАМ «ЖАРИМА» ТЎЛАЙДИ

ёки Фарғона вилоятида экспортчи корхоналар рағбатлантирилаётгани ҳақида

Адашмаган эканман. У одатдаги зерикарли йиғилишлардан тубдан фарқ қилиб, асосан ишбилармон ва тадбиркорлар билан савол-жавоб, мулоқот тарзида ўтди. Мен ҳам «Хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилаётган кичик корхоналар ва фирмаларга қандай имтиёзлар берилган?» деган саволни ўртага ташладим-у, Раис ва мутахассислардан атрофлича жавоб олдим. Қувонарлиси, Президентимизнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, хорижга нақд валюта ҳисобига маҳсулот сотганлигимиз учун қўшимча қиймат солиғига ҳисобланган 123 миллион сўм маблағимизни қайтариб беришадиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, «Шу Фармон талабларига кўра, молиячилару солиқчилар энди Сизга шунча миқдорда «жарима» тўлашади», дейишди.

Мазкур масъулияти чекланган жамият — экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган микрофирмалардан бири. Агар 2004 йилда корхонада 324 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, янги йил арафасида бу кўрсаткич 1 миллион доллардан ортди. Яъни, бир йилда экспорт ҳажми 3 баробар ўсди.

Айни кунларда асосан 400 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қиладиган ушбу корхонада тайёрланаётган нотўқима матоларни Россиянинг Москва, Самара, Барнаул, Қозоғистоннинг Олмаота шаҳарларидаги қатор корхоналарда яхши билишади. Ўтган йилдан бошлаб микрофирманинг Москва шаҳридаги Первомайск тумани ва Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида «Оқолтинтекстайль» номи билан аталадиган «Савдо уйлари» ҳам иш бошлади. Самара шаҳридаги «Селен» масъулияти чекланган жамияти эса ўзининг йирик омборларини тошлоқлик тўқимачилар ихтиёрига бериб қўйди. Яқинда Волга бўйидаги ана шу юкхонага Тошлоқдан 40 минг долларлик маҳсулот жўнатилди.

— Биз Украинанинг Киев шаҳридаги «Культтекстиль» фирмаси билан ҳам ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди Толибжон Луқмонов. — Икки томонлама имзоланган шартномага асосан, яқин кунларда Украинага ҳам 20 минг долларлик маҳсулот жўнатамиз.

Тиббиёт пахталари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қўқондаги «Чашма» фирмасида ҳам экспорт ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Унинг маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Жанубий Корея ва Афғонистонга юборилмоқда. Чунки қўқонлик момиқчиларнинг жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган сифатли маҳсулотларига бу мамлакатларнинг Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан мувофиқлик сертификатлари берилган. Бу — улардан хориждаги ички бозор ҳамда даволаш муассасаларида фойдаланишга рухсат, дегани.

Хўш, тиббиёт хизматига ўта талабчан ана шу давлатларнинг дунёда ўзига хос мавқега эга Туркиянинг «Ипак момиғи», Италиянинг «Сесма», Россиянинг «Красний октябрь» корхоналарида тайёрланган маҳсулотлари ўрнига қўқонликлар маҳсулотларига харидор бўлишларининг боиси нимада?

Фирма раҳбари Абдуллажон Қўшмоқовнинг айтишича, аввало, бу ерда маҳсулотлар фақат ва фақат аъло навли пахта толаларидан ишлаб чиқарилади. Бу аслида талабчан харидорларнинг ишлаб чиқарувчилар олдига қўядиган энг асосий талабларидан биридир. Иккинчидан, «Чашма» маҳсулотининг сифати рақобатчилар маҳсулотиникидан асло қолишмайди. Устига устак, 1,5-2 баробар арзон. Чунки хомашё ўзимизники, экспортчиларга эса бизда ҳеч бир мамлакатда бўлмаган имтиёзлар берилган.

— Айниқса, Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги 186-сонли Қарори биз учун айни муддао бўлди, — дейди Абдуллажон. — Бу ҳужжат талабларига кўра, солиқ идоралари ходимлари назоратчи-тафтишчилар эмас, бизнинг энг яқин ҳамкоримиз, ёрдамчимиз, божхона хизмати ходимлари эса ҳужжатларни жойида расмийлаштириб борадиган шерикларимизга айланди. Натижада стандартлаш, синов-сертификатлаш хизматларидаги қоғозбозлик, сансалорликлар барҳам топди. Эндиликда деярли ҳар куни тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, маҳсулотларимизни экспортга жўнатаяпмиз.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида фирма томонидан экспортга маҳсулотлар юборилган манзиллар рўйхатига назар ташлаймиз. Маълум бўлишича, Красноярск шаҳридаги «Техградфарм» фирмаси 50 минг, Москвадаги «Гигровата» корхонаси 22 минг, Қозоғистоннинг «Закурдавата» фирмаси 33 минг, Бишкек шаҳридаги «Балчи» масъулияти чекланган жамияти 25 минг долларлик маҳсулотлар олишибди. Жорий йилда бу манзиллар Мағрибу Машриққа қараб янада кенгаяди. Чунки фирма раҳбари янги йил арафасида Хитой, Беларусь, Корея, Афғонистон давлатларида бўлиб, «буюртма папкаси»ни кўплаб шартномалар билан тўлдириб қайтди. Чин юртидан эса 25 минг долларлик энг замонавий момиқ қадоқлаш дастгоҳини олиб келди. Унинг ёрдамида болалар ва гўдакларнинг томоқ ва қулоқларини тозалайдиган пахтачўплар ҳам ишлаб чиқарилади.

Фарғонада қулочини кенг ёяётган бундай кичик бизнес субъектлари анчагина. Уларнинг вилоят ялпи экспортидаги улуши бугун 15,7 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич чегара эмас, албатта. Нега деганда, биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда экспорт имконияти бор микрофирмалар сони 16 тага ортдики, шунинг ўзиёқ ушбу йўналишда имкониятлар доираси тобора кенгайишидан далолат беради.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Алишер Навоий таваллудига 565 йил тўлди

Оллоҳ таолонинг ҳар бир мусулмон бандасига буюргани аркони исломдаги беш фарздан бири — имкон топилса, ҳаж зиёратига бориш. Тангрининг марҳамати билан мустақил Ўзбекистонимизнинг минг-минглаб мўмин-мусулмонларига ҳаж сафари насиб этди. Истиқлол йилларида зиёратчилар муборак сафарга Тошкентдан тўппа-тўғри Саудия Арабистонига самолётда бориб келмоқдалар. Бунинг нақадар бахт эканини ҳис қилиш учун мустабид даврда ҳаж рухсати илинжида не-не эшикларда ранг сарғайтиришларни ёдга олишнинг ўзи кифоя.

Ёки даҳо шоиримиз — Алишер Навоийнинг буюк армонларини эсланг. Ёш адабиётшунос Туйғун Холматовнинг "Оила ва жамият" газетаси саҳифаларида босилган "Навоий ҳажга борганми?" сарлавҳали мақоласини ўқиган бўлсангиз, хабарингиз борки, бобокалонимиз Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ни ўз бағрига олган Ҳижоз водийси орзусини асарларида куйлай-куйлай, армон билан ўтдилар бу дунёдан.

ЖАННАТ БОҒИ ВИСОЛИНИ ИСТАР ЭСАНГ...

Одамзод Худо инъом этган ақлу заковатини тараққий эттириб, қаранг, ана шу беш асрлик давр мобайнида неча куну неча ойлаб, баъзан, ҳатто, йиллаб пою пиёда, оту туяларда кечилган машаққатли ҳаж йўлини бор-йўғи бир неча соатда учиб ўтиш имконига эришибди.

Бироқ ҳар қанча учқичлар яратилгани билан бугун ҳамма ҳам ҳажга бораверишга шароитига эга эмас. Аммо оналари ҳаёт юртдошларимиз ҳозирча ҳажга боролмаганликлари учун кўп ҳам армон қилавермасинлар.

Нега дейсизми?

Чунки...

Навоийнинг Абдураҳмон Жомий, Фаридиддин Аттор тазкираларидан таржималар ва айрим тўлдиришлар асосида яратилган "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" отлиқ китобларида бир ибратли воқеа баёни борки, уни шу қутлуғ кунларда эсга олиб қўйиш фойдадан холи бўлмас...

Навоий шайх ул-ислом Абдуллоҳ Ансорийга таяниб, мана бундай ҳикоя қиладилар: "Исмоил Даббос дедиким: "Ҳаж ният қилиб, борурда Шерозга етиштим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўъминни кўрдумки, ўлтуруб, ҳирқасини (эски тўнини) ямайдур эрди. Салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрадиким:

— Не ниятинг бор?

Дедим:

— Ҳаж ниятим бор.

Деди:

— Онанг бор?

Дедим:

— Бор.

Деди:

— Ёниб (орқага қайтиб), анинг мулозаматиға (хизматига) бор.

Бу сўз манга хуш келмас эрди.

Деди:

— Тўлғонасен?.. Мен эллик бора ҳаж қилибмен — бош яланг, оёқ яланг ва зоду (ёлғизу) ҳамроҳсиз. Барчасини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлиғини манга бер!"

...Шарҳга ҳожат бўлмаса керак. Оллоҳга етишиш фалсафасини теран англаган буюк сўфий — Шайх Мўъмин Шерозийнинг — умрида эллик бор (бу — айтишгагина осон!) "бош яланг, оёқ яланг, ёлғиз ва ҳамроҳсиз" ҳаж қилган бир зотнинг ана шу жамики ҳаж-лари савобини она кўнглининг шодлигига алмаштиришга тайёр турғани замирида олам-олам маъно ётибди!

Биз ана шундай миллий тарбиявий манбаларимиз, гўзал удумларимиздан осмон қадар айри тушганимиз учун бугун миллатдошларимиз орасида баъзан онасини кечириб бўлмас даражада ҳақорат қилганларни, волидасига бир коса овқатни ҳам раво кўрмайдиганларни, ҳатто, онаизорига мушт ё пичоқ кўтарганларни ҳам учратамиз.

Илоҳо, энди булар тарих бўлиб қолсин!..

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг: "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир", деган муборак ҳадисларини ҳазрат Абдураҳмон Жомий форсийда шеърга солганларида ва уни пирларидан рухсат сўраб, ҳазрат Алишер Навоий туркийга ўтказганларида нафақат расулуллоҳ руҳи поклари, балки бир йўла волидаи муҳтарамалари руҳларидан ҳам шодлик умидвори бўлган бўлсалар, ажаб эмас.

Расулуллоҳнинг муборак каломлари Навоий қаламлари кучи билан тилимизда шундай жаранглайди:

Оналарнинг аёғи остидадур
Равзайи жаннату жинон боғи.

Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг аёғи туфроғи.

Хуллас, ҳаётликларида оналаримизнинг оёқлари гардини кўзларга тўтиё қилиб суртсак ҳам — кам!

Мамлакатимиз бош майдони тўрига ўрнатилган қўлидаги жигарбандига тамоми меҳр ила боқиб турган она ҳайкали — Мустақиллик ва эзгулик монументи олдидан ўтаётганда беихтиёр Навоий бобомиз асарларидаги ана шу талқин ёдга тушади.

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос.

ҲАЗРАТНИ ЁД АЙЛАБ...

Ўзбекистон Фанлар академиясида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий адабий, илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди. Республика Ёзувчилар уюшмаси ҳамда шоир номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда олимлар, шоирлар, ёзувчилар қатнашдилар.

ЎзР ФА вице-президенти, профессор Тўра Мирзаев қисқача кириш сўзида Навоий ижодига батафсил тўхталиб ўтди. Зеро, мустақиллик шарофати билан Ҳазратга бўлган ҳурмат ва эҳтиром юксаклашиб бормоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан шоир ижодини муфассал ўрганиш ва халққа етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Айни кунларда эса шоирнинг Ҳиротдаги мақбарасини ободонлаштириш ишлари бошланди. Шунингдек, асарларининг йигирма жилдлиги китобхонлар қўлига етиб борди. Пойтахтимиздаги Навоий номи билан аталувчи Миллий боғ, кўча, метро бекати, Тил ва адабиёт институти, қатор мактаблар бизга ҳамиша "эл хизматида кечган умр"нинг боқийлигини эслатиб туради.

Тадбирда таниқли адабиётшунос олимларнинг навоийшунослик ва унинг долзарб муаммолари, "Маҳбуб ул-қулуб"нинг форсий таржималари, шоир асарларининг рус тилига таржималари, лирик қаҳрамонининг жаҳон адабиётида янгича ҳодиса эканлиги, "Назм ул-жавоҳир"даги Ҳазрат Али ҳикматлари, "Хамса"нинг уйғурча насрий баёнлари хусусидаги қатор қизиқарли маърузалари тингланди.

Навойни танимоқ, ўқимоқ, ўқмоқ ва албатта, ёд айламоқ қалбимизни покизалаштириб, руҳимизни тетиклаштиради. Асарларидаги бош ғоя — инсонпарварлик, халқпарварлик ва адолатпарлик бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш, авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш борасидаги улкан мақсадларимизга ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам унинг номи ва асарлари асрлар давомида бутун дунёда миллатимиз фахрига, инсоният ифтихорига айланиб бормоқда.

Г. ҲУСАНОВА.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийдан бизга бой ва бебаҳо маънавий мерос қолган. Уларнинг аксарияти моҳир хаттотлар томонидан кўчирилиб, нақшлар билан зийнатланган ғоят ноёб ва мўътабар қўлёзмалардир. Мазкур манбаларнинг салмоқли қисми ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилган йирик илмий даргоҳ — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланяпти.

БАРҲАЁТ МЕРОС

— Институтимиз хазинасида Алишер Навоий қаламига мансуб 700 нусхадан кўпроқ асар мавжуд, — дейди мазкур институт катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Абдумажид Мадрайимов ЎзА мухбирига. — Уларнинг аксарияти ўз даврида "заррин қалам" соҳиби деган улкан эстирофга сазовор бўлган машҳур хаттотлар томонидан битилган, музаҳҳиблар томонидан нақшлар билан зийнатланган китобат санъатининг нодир намуналаридир.

Ана шундай манбалардан бири — "Наводир ун-ниҳоя" девонининг қўлёзмаси. Ушбу асарнинг дунёда мавжуд уч нусхасидан иккитаси институтимиз хазинасида сақланаётир.

Институт хазинасида сақланаётган яна бир қўлёзма — 1484 йилда Абдулжамил котиб томонидан майда настаълиқ хатида кўчирилган "Хамса" ушбу асарнинг дунёдаги энг қадимий нусхаси саналади. Навоийшуносларнинг уни шоирнинг дастхат нусхасига тенглаштиришлари шундан. Чунки, унга Навоий бобомизнинг муборак назарлари тушган, деган тахминлар бор.

Айни вақтда хазинамизда шоир шеърий ва насрий асарларидан ташқари, Ҳожа Аҳрор Валий ва унинг муридлари томонидан Алишер Навоийга ёзилган хатлар ҳам сақланяпти. "Мажмуаи мурасалот", яъни "Дастхатлар тўплами" номи билан машҳур ушбу ёзишмалар 1495 йили Навоий томонидан тузилган. У Темурийларнинг Ҳиротдаги саройига келган, Навоийнинг ўзига ва бошқа сарой аҳлларига йўлланган қарийб олти юзга яқин номани ўз ичига олган.

Хазинамизда шоирнинг "Хазойин ул-маоний" асарига киритилган ғазалларидан танлаб тузилган, нисбатан ихчам девонларнинг ажойиб нусхалари ҳам бор.

Қўлёзмалар хазинасида Навоий асарларининг кейинги даврларда кўчирилган ажойиб нусхалари ҳам кўп. Шундай манбалардан бири XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон шаҳрида Мирзо Шариф Дабир томонидан кўчирилган.

Бобокалонимиз Алишер Навоий ва бошқа алломалар қўлёзмаларига ишланган расмларни бир жойга жамлаш мақсадида уч жилдли Шарқ миниатюралари каталоглари нашр этилди.

Ҳазрат Навоий ҳаётлигида ва ундан кейинги даврларда китобат қилинган бундай табаррук манбалар улуғ шоир ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тадқиқ этиш, аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан улушини ўрганиш ва ундан халқимизни баҳраманд этишда, улғайиб келаётган авлодни маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА
ёзиб олди.

2006 йил 4 март куни соат 11.00да

«ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ» ОАЖ

акционерларининг навбатдаги йиллик умумий мажлиси ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-уй.
Рўйхатга олиш соат 10.00дан бошланади.
Маълумот учун телефонлар: 79-49-29, 116-11-47.

Кун тартиби:

1. «Тошкент отчопари» ОАЖ кузатув кенгашининг 2005 йилги фаолияти юзасидан кенгаш раисининг ҳисоботи.
2. «Тошкент отчопари» ОАЖнинг 2005 йил иш фаолияти юзасидан жамият ижроия органининг ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини, жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текширув хулосасини муҳокама қилиш.
4. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни, даромадлар бўйича дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини белгилаш.
5. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини эшитиш.
6. Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини сайлашга овоз бериш кумулятив йўл билан тасдиқланишини амалда бажариш.
7. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.
8. Жамиятнинг 2006 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун аудитор томонидан кўрсатиладиган хизматга ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
9. Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 25 январдаги Фармонига биноан жамият бошқарув раисини сайлаш ва ижроия органи таркибига ўзгартириш киритиш.
10. Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган иш режаси (бизнес-план)ни кўриб чиқиш.
11. Жамият фаолиятини такомиллаштиришга алоқадор бошқа масалаларни муҳокама қилиш.

«Тошкент отчопари» ОАЖнинг 2006 йил 1 январь ҳолатига ҳисоботи (баланс)

№	Номлари	Актив	Пассив
1.	Узоқ муддатли активлар	67860	—
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	17467	—
3.	Ҳисоблашиш ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	85865	—
4.	Дебиторлар	157139	—
5.	Бошқа активлар	1317	—
6.	Устав капитали	—	287878
7.	Қўшилган капитал	—	19193
8.	Резерв капитали	—	1448
9.	Кредиторлар	—	15232
10.	Бошқа пассивлар	—	1317
11.	Тақсимланмаган фойда	—	4580
	Жами	329648	329648

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

№	Номлари	Даромад	Харажат
1.	Ялпи даромад	128600	—
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	—	28973
3.	Давр харажатлари жами	—	50734
4.	Бошқа даромадлар	9730	—
5.	Солиқлар	—	52676
6.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	—	1367
7.	Соф фойда	4580	—

Баланс ҳисоботи тўғрилиги «Trast-Audit» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

«ХАЛҚ БАНКИ»

Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган 2006 йилда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори фоизли

«МАТОНАТ»

омонат турини таклиф этади.

«МАТОНАТ» омонатига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, азиз фахрийларимизнинг ойлик пенсия пуллари нақд пулсиз ўтказилади ва йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб, қолдиққа қўшилади ва омонатчининг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

«LOTTO LAYT» МЧЖ ҚК томонидан муомалага чиқарилган 3-тираж

«A`LO O`YINCHI»

лаҳзали пул-буюм ютукли лотерея билетлари

сотуви тугаганлиги муносабати билан мижозларга ютукли лотерея билетларини мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой давомида қўшма корхона томонидан тўловга қабул қилинишини ҳамда ушбу муддат тугагандан сўнг ютукли лотерея билетлари тўловга қабул қилинмаслигини маълум қилади.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиалларимиз манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Қишлоқда мини-банк

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги «Янги турмуш» қишлоғида акциядорлик-тижорат «Пахта банк» туман бўлимига қарашли мини-банк фаолият кўрсата бошлади. Бу туманнинг чекка ҳудудларида очилган мини-банкларнинг бешинчисидир.

Мазкур мини-банк очилгунига қадар, 23 километр узоқликда жойлашган туман марказига қатнашга мажбур бўлган қишлоқ аҳолиси эндиликда шу жойда коммунал тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмаларини юбориш, кредит олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

К. НИЗОМОВ,
«Туркистон-пресс».

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Спорт

Эпчиллар олдинда боришмоқда

Қорақалпоғистонда мини-футбол ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда спортнинг ушбу оммавий тури бўйича навбатдаги беллашувлар ўтказилди. Турнир жадвалида ҳамон Қорақалпоғистон давлат университети жамоаси пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Тажрибали спортчи М. Солохин мураббийлик қилаётган бу жамоа 28 очко тўплаган ҳолда шоҳсупанинг биринчи поғонасида бормоқда. Улар олий лига жамоаларидан бир қанчасини доғда қолдиришди.

Биринчи лига жамоалари орасида эса Нукус Олимпия захиралари коллежи жамоаси биринчи ўринда бормоқда. Тўпурарлар баҳсида ҳозирча Қорақалпоғистон давлат университети жамоаси аъзоси М. Абдуллаев, юқорида қайд қилинган коллеж талабаси Ж. Жумабоевларга омад кулиб боқмоқда. Март ойида биринчилик ўз ниҳоясига етади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззахда республика турнири

Жиззах Олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуида кураш бўйича мамлакат анъанавий хотира турнири бўлиб ўтди. Миллий кураш жонкуярларидан бири ҳарбий хизматчи Мамарасул Бобоев хотираси учун уюштирилган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 600 нафардан зиёд ёш полвон иштирок этишди.

Тўрт кун давом этган мусобақалар якунига кўра 1987-1989 йилларда туғилган курашчилар ўртасида Самарқанд вилояти вакиллари Илҳом Раупов, Суҳроб Худойқулов, Бектош Сафаров, тошкентлик Жавлон Тоғаев ва Яҳё Имомовлар ғолиб чиқишди.

1990-1992 йилларда таваллуд топган болалар ўртасидаги беллашувларда мезбонлардан Раҳматулла Умрқулов, Хуршид Абдулҳакимов, Орзимурод Карвонов, Жасур Низомовларга тенг келадиганлар бўлмади. Пойтахтлик Отабек Мақсудов ҳам ғолиблар сафидан жой олди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР УЧУН IV ЙИЛЛИК СОВРИН ТОПШИРИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Соврин уч номинация бўйича берилади:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшилган илмий-технологик ҳисса;
- қуйидаги йўналишларни ривожлантиришга қўшилган ҳисса: муҳандислик тадқиқотлари, биотехнология, ахборот технологиялари, материалшунослик, доришунослик, саноат микроэлектроникаси ва муқобил энергия манбалари;
- ИТБга аъзо мамлакатларнинг энг яхши илмий-тадқиқот муассасаси.

Ҳар бир номинация учун соврин нақд 100.000 АҚШ доллари, шунингдек, ютуқлар кўрсатилган сертификат ва пластинани ўз ичига олади.

Ушбу номинациялар бўйича буюртманомалар шакллари ИТБнинг www.isdb.org. расмий сайтида берилган. Буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кун — **2006 йил 31 март.**

Совринларни топшириш маросими 2006 йил 31 майда Қувайтда бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига 134-45-30 телефони орқали мурожаат қилинг.

2123-14/31

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

АЁЛЛАР ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШГАН ҲИССА УЧУН IV ЙИЛЛИК РАҒБАТЛАНТИРИШ СОВРИНИ ТОПШИРИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Соврин икки номинация бўйича берилади:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшилган шахсий ҳисса;
- аёллар ташкилотлари, муассасалари ва аёллар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари.

Ҳар бир номинация учун соврин нақд 50.000 АҚШ доллари, шунингдек, ютуқлар кўрсатилган сертификат ва пластинани ўз ичига олади.

Ушбу номинациялар бўйича буюртманомалар шакллари ИТБнинг www.isdb.org. расмий сайтида берилган. Буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кун — **2006 йил 15 февраль.**

Совринларни топшириш маросими 2006 йил 31 майда Қувайтда бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига 134-45-30 телефони орқали мурожаат қилинг.

2123-14/31

СУД ЗАЛИДАН

МЕҲМОННИ ТУНАГАН «ШОВВОЗЛАР»

Қора курсида ёшлари эндигина йигирмадан ошган уч навқирон йигит ўтирибди. Бошлари хам, қилмишларидан пушаймон. Суддан, жабрланувчилардан кечирим сўрашади. Аммо энди кеч. Кўз ёшларнинг ҳам, тавба-тазарруларнинг ҳам фойдаси йўқ. Раислик қилувчи, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг раиси Тўлқин Қодиров Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм ўқийди:

«Судланувчи Жуманов Илҳом Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164-моддаси 4-қисми «А» банди билан Жиноят Кодексининг 57-моддасини қўллаб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин».

Илҳомнинг жиноятчи шериклари Салим Қоракулов ва Сирожиддин Саидов ҳам узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Салим 12 йил, Сирожиддин эса 14 йиллик ҳаётини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Шу ўринда таъкидлаш керак, Сирожиддин муқаддам судланган. Тайлоқ туман судининг ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Аммо у илгариги қилмишларидан тўғри хулоса чиқармади. Қайта жиноят кўчасига кирди.

... Илҳомни қайноғаси Ҳамза Аловвникига ҳар ҳафтанинг жума оқшомида келадиган меҳмонлар қизиқтириб қолди. Сабаби, уларнинг қўлида ҳар гал даста-даста пул бўлар эди. Ана шу пулларни қандай қилиб қўлга киритиш ҳақида кўп бош қотирди. Аммо ҳар гал ўйларининг охирига етавермади. Ниҳоят, кунлардан бир кун у қатъий қарорга келди.

Фозил Йўлдош номли ширкат хўжалигининг Оқтош қишлоғида яшовчи танишлари Сирожиддин ва Салимга режасини маълум қилганда, улар буни маъқуллашди. Ва белгиланган жума оқшомида биргаликда мазкур ширкат хўжалигининг марказида меҳмонларни кута бошлашди. Қурилиши ниҳоясига етмаган уй уларга паноҳ бўлди. Ярим тунда электр чироғининг ўчганлиги эса айни муддао эди. Бунгача Илҳом шерикларига меҳмонларнинг қачон келиши, қаерда машинадан тушиши ва қайси йўлакдан қайноғаси — Ҳамзаникига кириб боришини тушунтирди. Уларни ихчам калтак билан қуроллантирди. Ҳаттоки, у меҳмонларда қанча миқдорда пул бўлишини ҳам биларди. Ниҳоят, айтилган жойга енгил машина келиб тўхтади.

— Келишди, — деди Илҳом хурсанд ҳолда. — Ҳозир машина ортга қайтади. Биз эса тезда ишга киришишимиз керак. Сизлар анави дарахт тагига яширинглар. Бирдан ҳужум қиласизлар. Мен эса ортдан бораман. Сабаби, улар — Акрам ҳам, Анвар ҳам мени яхши билишади. Қоронғи бўлса-да, таниб қолишлари мумкин.

Шу тариқа «операция»га киришилди. Ҳеч нарсадан хабарсиз келаётган икки меҳмонга нисбатан калтаклар ишга солинди. Пул солинган хўжалик сумкаси Акрам Наврўзовнинг қўлида эди. Шу сабаб орқадан етиб келган Илҳом аввало шу меҳмонни ура кетди. Тасодифий ҳужумдан Акрам ҳам, Анвар ҳам гангиб қолганди. Пайтдан фойдаланган Илҳом пул тўла сумкани олиб қочди. Унинг ортидан шериклари югуришди.

Халқимизда «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган нақл бежиз айтилмаган. Илҳом шериклари билан узоққа кетолмади. Зўравонлик билан тортиб олинган 7 миллион 642 минг 500 сўм пул, гарчи улар ўша оқшомнинг ўзида тенг тақсимлаб олишган бўлса-да, бирортасига насиб этмади. Аксинча, уларни қора курсига етаклади.

Маълум бўлишича, жабрдийдалар — Акрам Наврўзов ва Анвар Нурмуродовлар қўшни Жиззах вилоятидан бўлиб от савдоси билан шуғулланишар экан. Улар Булунғур туманининг Фозил Йўлдош номли ширкат хўжалиги марказида яшовчи Ҳамза Аловов билан анча йилдан буён ошно тутунишган. Жума оқшомлари шу ерда тунашиб, шанба саҳарда от бозорига чиқишни одат қилишган. Шу хонадоннинг куёви бўлмиш Илҳом уларни узоқ кузатади. Ҳатто танишиб ҳам олади. Ниҳоят, «имконият»дан ўзича фойдаланмоқчи бўлади. Охир-оқибат эса ўзи қўйган тузоққа жиноий шериклари билан ўзи тушиб қолди. Ким қилмагай, ким топмагай, деганлари шу бўлса керак-да.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тайёр кимёвий препаратлар — ғалла гербицидлари ва фунгицидлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун таъсир этувчи моддалар сотиб олишга тендер савдолари эълон қилинади.

Идороларо тендер комиссиясининг ишчи органи қилиб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида сотиб олинаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини ва ўз вақтида етказиб беришни кафолатлайдиган, тан олинган ишлаб чиқарувчи фирма ва ташкилотлар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьютерлари) қатнашиши мумкин. Савдоларда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кимёвий препаратлар билан қатнашишга рухсат этилади.

Тендер савдоларида:

- *қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкротлик босқичида бўлган;*
- *малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;*
- *илгари тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларни етарлича бажармаган;*
- *тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж ажрим ҳолатида бўлган;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари билан тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган фирма ва ташкилотларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.*

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунигача «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй. Тел./факс: 138-53-42, 68-75-96. Тел.: 68-25-51.

2123/1-2122

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	24% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	23% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	24% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой)	22% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой)	24% йиллик
"Наврўз" (2 ойга)	24% йиллик
"Табассум" (45 кунга)	24% йиллик
"Саломатлик" (2 ойга)	30% йиллик
"Юбилей - 2005" (45 кунга)	32% йиллик
"Умид" (камида 3 ой)	25% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой)	23% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллари	
1 йилгача	
300 АҚШ долл. дан 1000 АҚШ долл. гача	5,5% йиллик
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	6,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	7% йиллик
ЕВРО	
1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан юқори	
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача	4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори	4,5% йиллик

Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26.

БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

«VIRA INTERPRAYZIZ» МЧЖ бир лаҳзали

«ИШОНЧЛИ ЎЙИН»

пул-буюм лотереясида 40 та «Daewoo MATIZ» русумли автомашина ўйналган. Биринчи чиқарилган чипталарни сотиш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ютуқли чипталар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлов учун қабул қилинишини маълум қилади.

Юқорида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ютуқли чипталар тўлов учун қабул қилинмайди.

2107/1/219

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Восил Қобуловга рафиқаси
НАСИБА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институти қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейи жамоаси лицейнинг фахрий директори, академик В. Қобуловга турмуш ўртоғи
НАСИБА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Информатика институти жамоаси академик В. Қобуловга умр йўлдоши
НАСИБА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Нефть ва газни қайта ишлаш кафедраси доценти М. Тиллашайховга укаси
Камолиддин ТИЛЛАШАЙХОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентлик ходими Аброл Муҳиддиновга волидаи муҳтарамаси
РИХСИХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5